



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ

Халқаро илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



9 сентябрь 2021 йил

# КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ВА ҲАМКОРЛАР ОРГАНИЗАТОРЫ И СООРГАНИЗАТОРЫ КОНФЕРЕНЦИИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Психология кафедраси



Федеральное государственное бюджетное учреждение  
ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ РАО  
(г. Москва, Россия)



МЕЖДУНАРОДНАЯ АКАДЕМИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАУК  
(г. Ярославль, Россия)



ЯРОСЛАВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
им. П.Г.ДЕМИДОВА  
Факультет психологии  
(г. Ярославль, Россия)



ИНСТИТУТ ПСИХОЛОГИИ ИМЕНИ Г. С. КОСТЮКА  
НАЦИОНАЛЬНОЙ АКАДЕМИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК  
УКРАИНЫ

Лаборатория общей психологии и истории психологии им.  
В.А. Роменца, Лаборатория психологии обучения имени  
И. А. Синицы; Лаборатория организационной и социальной  
психологии; (г. Киев, Украина)



ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИКИ НАЦИОНАЛЬНОЙ АКАДЕМИИ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК УКРАИНЫ

Отдел профильного обучения (г. Киев, Украина)

ХЕРСОНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

Кафедра педагогики, психологии и образовательного  
менеджмента имени Е. Петухова; Кафедра психологии  
(г. Херсон, Украина)

UNIVERSITY OF SUSSEX, GREAT BRITAIN  
SCHOOL OF PSYCHOLOGY



КИРГИЗСКО-РОССИЙСКИЙ СЛАВЯНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
им. Б. ЕЛЬЦИНА,  
БИШКЕК, КЫРГЫЗСКАЯ РЕСПУБЛИКА



Кафедра психологии  
ОБЩЕСТВО ПОДДЕРЖКИ ИЗДАТЕЛЬСКИХ ИНИЦИАТИВ И  
НАУЧНОЙ МОБИЛЬНОСТИ  
(г. Глазго, Шотландия)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ”  
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ  
МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

**СБОРНИК СТАТЕЙ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ  
"ПСИХОЛОГИЯ XXI ВЕКА"**

**DIGEST OF ARTICLES  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
CONFERENCE  
"PSYCHOLOGY OF THE XXI CENTURY"**

**9 сентябрь 2021 й.  
(онлайн конференция)**

**БУХОРО - 2021 йил**

УДК 159.9

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 март-даги 78-фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро давлат университетида 2021 йилнинг 9-10 сентябрь кунлари “XXI аср психологияси” мавзусида илмий-амалий анжуман психология кафедра томонидан масофавий шаклда ташкил этилди.

**Тақризчилар:**

Шоумаров Ф.Б. – психология фанлари доктори, профессор

Умаров Б.М. – психология фанлари доктори, профессор

Максименко С.В. – академик, психология фанлари доктори, профессор

**Масъул мухаррирлар:**

Баратов Ш. Р. - психология фанлари доктори, профессор

Усманова М. Н. - психология фанлари номзоди, доцент

**Таҳрир ҳайъати:**

Баратов Ш.Р. - психология фанлари доктори, профессор

Козлов В.В. – психология фанлари доктори, профессор, Россия

Чудакова В.П. – психол. фанл. бўйича фалсафа доктори (PhD), Украина

Усманова М.Н. - психология фанлари номзоди, доцент

Собирова Д.А. - психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Олимов Л.Я. - Психология кафедраси доценти

Останов Ш.Ш. - психология кафедраси катта ўқиувчиси.

**Техник мухаррирлар:** М.Н. Усманова, Останов Ш.Ш.

**Дизайн ва макет – Останов Ш.Ш..**

**XXI аср психологияси:** Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –  
Бухоро, 2021. – б.

Website: <http://psixologiyabuxdu.uz/>  
<https://buxdu.uz/>



**Литература.**

1. Gapparov Z.G. Sportivnaya psixologiya. Uchebnik dlya stud. in-ta fizkulturiy. MB i SSO RUz. - Tashkent, OOO "Mexridaryo", 2009-312s.
2. Gapparov Z.G. Sport psixologiyasi jismoniy tarbiya instituti talabalari uchun darslik / Uz.Res oliv va o'rta maxsus ta'lim vazirligi.-T.: "Mexridaryo", 2011-345b.
3. Andreeva I.N. Emotional intelligence as a phenomenon of modern psychology, Novopolotsk, PSU, 2011
4. Lyusin D.V. A new technique for measuring emotional intelligence: the Emin questionnaire // Psychological diagnostics, 2006, No. 4, pp. 3-22.
5. Social and emotional intelligence. From processes to measurements. Ed. D. V. Lyusina, D. V. Ushakova. M., Institute of Psychology RAS, 2009
6. Yurkevich V.S. The problem of emotional intelligence // Bulletin of practical psychology, No. 3 (4), July-September 2005.

**ЎСМИРЛАРДА СУИЦИДАЛ ХАВФ ШАКЛЛАНИШИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

*Ахмадов Назиржон Раҳмат ўғли,  
БухДу психология кафедраси ўқитувчиси,  
Қаҳҳоров Маданин Абдинабиевич,  
БухДУ I курс таянч докторанти*

**Аннотация:** Мақолада ўсмирларнинг ўз жонига қасд қилиши сабаблари ҳақида сўз боради, мақолада ўсмирларда ўз жонига қасд қилишига уринишларнинг олдини олиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** психологик ҳимоя, иродда, ўз жонига қасд қилиши, механизм, психологик иқлим, ички таъсирлар, барқарорлик мослашии, ташқи таъсирлар.

**Аннотация:** в этой статье обсуждаются причины суицидальное поведения подростков, даны рекомендации по коррекции и профилактике суицидального поведения подростков.

**Ключевые слова:** психологическая защита, воля, суицид, механизм, психологический климат, внутренние влияния, устойчивость, адаптация, способности, психоаналитика, внешние воздействия.

Жаҳон Соглиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) нинг 2019 йил маълумотларига кўра Австрияда 100 минг киши аҳолисига ўз жонига қасд қилиш - 24, Канадада - 15, Данияда - 18, Финляндияда – 28,4, Испанияда – 8,7 нафарни ташкил этади. Кўпгина давлатларда миллионлаб инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлган суицид ва уни келтириб чиқарадиган ижтимоий-психологик омилларни ўрганиш ва бартараф қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган глобал муаммолардан бири хисобланади.

Дунёда ҳар томонлама етук, билимли ўсмирларни улғайтиришга доир илмий изланишларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Шу ўринда ўсмирларнинг келажакда мустакил, маъсулиятли, иродали, ракобатбардош ва етук ўсмир бўлиб шаклланишига бўлган эҳтиёж ортмоқда. Шу боис ўсмирлар хулқига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва тегишли илмий тавсиялар беришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу эса, нафақат ўсмирларга балки оиласа психологик хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириши тақазо этмоқда.

Бугунги давр информацион ахборот технологиялари даври бўлиб унда инсон ва унга ижтимоий психологик таъсир этувчи омиллар тизими тобора ортиб бормоқда. Бунда, инсон қудрати ва унинг имкониятлари янада ортиши натижасида, одам ўзини–ўзи йўқ қилиб юбориш даражасига бориб етди. Турли хилдаги янгидан–янги қуроллар (ядровий, бактериологик, лазер в.б.) синовлари ва “Совуқ уруш”нинг XXI асрда ҳам “Мафкуравий уруш” сифатида давом этиши, шунингдек, бошқа ижтимоий ва иқтисодий холатлар ўсмир ва унинг ижтимоий психологик тузилишига таъсир этиб келмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида яшаётган инсон жуда кўп маълумотларни ўзлаштириши, уларга жавоб бериб бориши, маълумотлар натижасида юзага келаётган муаммоларини ҳал қилиб бориши оқибатида, кундалик ижтимоий муаммолар унинг руҳий ҳолати, асаб тизимига турлича таъсир

кўрсатмоқда. Ўсмир албатта, жамиятда яшаш ва ўз ўрнини топиш учун юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда турли қийинчиликларга учраши табиий ҳолдир. Жумладан, жамият ҳаётида жиддий сиёсий ўзгаришлар юз берганида инсон ўзига, ўзлигига янада теранроқ назар ташлашга интилиб қолади. Инсон умри ва ҳаёти паст–баланд, текис ва нотекис сўқмоқлардан иборат. Бу ҳолат ҳаётнинг ўзига хос бўлган синовидир.

Бугун ҳар бир ўсмир ўз тараққиётини, ўз иқтидорини билиш, ҳар қандай ёш даврида ҳам оптимал равишда ишга яроқлиликни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугунги ўсмирлар учун психологик билимларни эгаллаш мухим аҳамият касб этади. Бунга сабаб, кейинги 10 йилларда ўзминалор орасидда ҳам суицидал муаммолар кўпайиб бораётганлиги бунинг асосий сабаби бўлиб келмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ўлим сабабларига кўра суицид юрак қон томир, онкологик ва травматизмдан кейин 4–ўринни эгаллаши ташвишли ҳолатдир. Ҳар йили дунё аҳолисиинг миллионга яқин кишиси ўз жонига қасд қилади. Натижада буларнинг 80% ўлим билан яқунланади.

Бу каби муаммо бугунги кунда ўсмирлар орасида ҳам содир этилаётганлиги жуда аянчли ҳолат эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўз жонига қасд қилишнинг асосий сабаблари ижтимоий–рухий муаммолар оқибатида содир этилмоқда. Бундай фожиали ҳолатларни олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аммо биргина бу ҳаракатлар билан унинг олдини олиш мумкин, деб бўлмайди. Бинобарин, ижтимоий психологида суицид ва унинг сабаблари, унинг олдини олиш чоралари ҳамон муаммолигича қолмоқда. Уни атрофлича ўрганиш, айниқса, ўсмирлар ўртасидаги суицид сабабларини таҳлил қилиш ва уни камайтириш мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ўз жонига қасд қилиш ёки суицид бир тарафлама ҳаракат бўлиб, унда охирига етказилмаган ҳолатлар ҳам кузатилади. Эҳтиётсизлик оқибатида ёки ўзини билмай, англамай содир қилинган ҳолат – ўз жонига қасд қилиш (суицид) жараёни деб ҳисобланмайди. Балки, баҳтсиз ходиса тоифасига киритилади.

Ўз жонига қасд қилиш ёки ўзини–ўзи ўлдириш ҳолати азал–азалдан кишилик жамиятида мавжуд бўлган ҳолат ҳисобланади. Бу ҳақда кўплаб тарихий ва этнографик маълумотларда муайян даражадаги тавсифлар мавжуд.

Бинобарин қадимги япон Самурайлари асир тушишдан кўра ўз жонига қасд қилишни шараф деб ҳисоблаганлар, ёки қадимги Миср маликаси Клеопатрия ҳам Рим истилосидан кейин ўлимни афзал билган, ёки араб истиочиларига босқинига қарши курашган Муқанна ва бошқа ўсмирларнинг ҳаётини алоҳида мисол тариқасида келтириш мумкин.

Суицид ҳолатларини қайд қилиб борувчи дунёдаги энг катта институт Швецияда жойлашган бўлиб, унинг ҳисоб-китобларига кўра Марказий Европа давлатлари бу борада пешқадам эканлигини таъкидлашмоқда.<sup>5</sup>

Ҳозиргача ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра ўсмир суицид ҳақидаги ўз режаларини турли хил сўзлар, «калитлар сўзлар» ва огохлантиришлар ёрдамида сездиришга ҳаракат қиласи. Ўз жонига қасд қилишни ўйлаганларнинг 10 тадан 8 таси атрофдагиларга бу ҳақда доимо билдиришга ҳаракат қилиб боришган.

Ўсмирлар орасида суицид ҳолатини содир этиш охирги вақтда кўпайиб бораётганлиги, ўсмирлар орасида учраётган психологик муаммолардан бири бўлиб келмоқда. ўсмирлар томонидан суицид ҳолатини содир этиш сабабларини қўйидагилар билан тушунтириш мумкин:

Суицидларнинг асосий фоизи кучли депрессив ҳолатда содир этилади. Депрессив ҳолатда бўлган инсонлар вазиятни назорат қилиш ва ушлаб туриш мақсадида ўсмир спиртли ичимликлардан ёки бўлмаса турли наркотик моддалардан фойдаланишга бўлган истакни кучайтиради, Ушбу воситалар ўсмирда воқеликни бузуб идрок этишга олиб келади. Шу тариқа ўсмирларнинг нотўғри йўлларга кириб кетишига олиб келади.

Суицид Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бирга ўсмирлар учун ҳам жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Ишлаб турган психологик таъминот тизими туфайли, ўсмирлар орасида ўз жонига қасд қилиш миқдори камайшига эришилган. Бироқ, маълумотлар тадқиқи шуни кўрсатмоқдаки, суицид ҳодисаларининг олдини олиш, ўсмирлар ҳаёти ва соғлигини сақлаш бўйича фаолият сифатини ошириш учун, суицидал хавфни объектив диагностика қилиш муаммосининг ечимини топиш лозим бўлади.

<sup>5</sup>Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2017 йилдаги маълумотномаси

## “XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ” халқаро илмий-амалий анжуман

Умуман, суицидал хулқ шаклланишини ўрганиш муаммоси кўп тармоқли ва кенг кўламли эканлиги билан ажралиб турсада, мазкур муаммо бўйича талайгина илмий тадқиқотлар олиб борилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Айтиш жоизки, кўпгина тадқиқотларда одатда тадқиқот обьектини хотирасини йўқотиш натижасида ўз жонига қасд қилишга уринганлар ва психоневрологик диспансерлар рўйхатида турган ўсмирлар ташкил этган. Суицидентларнинг қолган гурухлари эса, айниқса ўз жонига қасд қилганлар, тадқиқотчилар назаридан четда колиб кетмоқда

Бизнинг тадқиқотимизда эса ўсмирлар орасида суицидал хулқ шаклланишининг ўзига хос ижтимоий психологик жиҳатларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тегишли илмий хulosалар чиқариш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Умуман суицидал хулқ-атвор ва суицидал хувф омиллари бир қатор мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан тадқиқ қилиниб келинмоқда. Ушбу масалаларга бағишиланган илмий мушоҳадалар: А.Г. Амбрумова (1978, 1980, 1983 ва.х.); В.Ф. Войцех (2000, 2004, 2007); Е.М. Вроно (1983, 1986, 1989, 1998); Э. Дюркгейм (1897); М. Фарбер (1968); Ю.Г. Касперович (2001, 2004); К. Меннингер (1938); В.А. Тихоненко (1978, 1980, 1992); З. Фрейд (1910); Э. Шнейдман (1976); А.В. Боевой (2004); Д.И. Шустов (2004); Р.В. Бисалиев (2005); Н.В. Верешагина (2005); А.Р. Коршунова (2005); А.С. Калашникова (2008) ва б., ўзбек олимларидан Э.Фозиев, В.Каримова, Н.Сафаев, З.Нишанова, Ф.Шоумаров, Б.Умаров, Р.Самаров, Э.Усмонов, Е.Агзамоваларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. [14, 30, 41, 48, 65].

Илмий манбалар тадқиқи шуни кўрсатадики, суицидал хулқ-атвор мотивацияси муайян ижтимоий психологик омиллар билан детерминантлашган ҳолда шаклланади ва ривожланади. Чунончи А.Г. Амбрумова (1981, 1989) эътироф этганидек, ўсмир ва унинг ўзига хос ўсмирлилик хусусиятлари, ижтимоий психологик дезадаптация намойиши сифатида суицидал хулқ-атворни англашга бўлган мотивлар ва кўринишларни намоён этмоқда. Муайян илмий тадқиқотларда ўсмирнинг ўзига хос ижтимоий-психологик табиатига даҳлдор бир қатор омиллар, жумладан; эмоционал масъулликка нисбатан паст толерантлик, қатъйлик, агрессивлик, коммуникатив ноадекватлик, ўз имкониятларини нотўғри баҳолаш, ўсмирнинг психологик муҳофазаси, ҳаёт қадрининг пасайиши ва ўқолиши, перфекционизм, когнитив ригидлик, фикрлашнинг саёзлиги ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. (А.Г. Амбрумова, В.А. Тихоненко (1980); Н.Г. Гаранян, А.Б. Холмогорова, Т.Ю. Юдеева (2001); С. Неурингер (1961, 1968); А.М. Сисоев (2002); А.А. Яворский (1991)

Олиб борилган назарий-илмий таҳлиллар мавзу доирасидаги муаммо-лар, хусусан, суидциднинг ижтимоий-психологик муаммо сифатида тадқиқ қилинишига бағишиланган ишларнинг бугунги кунда тақчиллиги ва шу билан бирга долзарблигини кўрсатди. Қолаверса, дунёдаги кўплаб илғор психология намоёндаларини суидцидга оид қарашлари тадқиқ қилинганда бу жараён ўсмир руҳий барқарорлигини ривожлантириш учун ўрганилиши муҳим бўлган тадқиқот йўналиши эканлиги яна бир бор таъкидланди.

Умуман, суидцид, суидцидал омилларга нисбатан тарихда ва бугунги кунда турли хил мунозарали фикрлар мавжуд бўлиб, бу қарашлар турли ман-баларда, Шарқ ва Farb мутафаккирлари ижодида, диний таълимотларда, илғор психология вакилларининг илмий асарларида асрлар давомида сайқал топиб келган, аммо суидцид муаммоси психологияда ўзининг муайян назарий-методологик базасига эга бўлса-да, ушбу муаммога даҳлдор тадқиқотлар кўлами ҳали ўзининг мукаммал ечимларига эга бўлмаган. [3]

### Адабиётлар.

1. Авдеев В.В. Психологические основы повышения эффективности деятельности работников
2. ОВД в экстремальных ситуациях. – М, 1988. – 146 с. Белякова И.Ю. Опросник суидциального риска //Практикум по психодиагностике. Прикладная психодиагностика. — М., 1992. С. 21-25;
3. Малкина-Пых И.Г. Психологическая помощь в кризисных ситуациях. - М.: Эксмо, 2010. - 928 с.

*Мундарижса/Содержание/Contents*

- 3 **ХАМИДОВ О.Х.** Уважаемые гости и участники
- 5 **БАРАТОВ Ш.Р.** Из опыта внедрения концепции психологической службы в узбекистане
- 8 **КОЗЛОВ В.В.** К проблеме трансперсональной парадигмы психологии
- 16 **АБДУҚАХХОРОВА Г.А.** Роль социально-психологических служб в устраниении девиантного поведения подростков
- 19 **АВЕЗОВ О.Р.** Экстремал вазиятларда оиласа психологик хизмат кўрсатиш амалиёти
- 24 **АКРАМОВ А.Ш.** Психологические механизмы и детерминанты поддержания здоровья человека
- 27 **АРСЛАНОВ К.П.** Психологическая сущность воспитания спортсменов
- 31 **АХМАДОВ Н.Р., ҚАХҲОРОВ М.А.** Ўсминаларда суицидал хавф шаклланишини олдини олишнинг ижтимоий-психологик асослари
- 34 **АХМЕДОВА О.С.** Особенности лексики дошкольников с нарушениями речи
- 38 **Ашурев Р.Р.** Влияние акцентуаций характера подростков на межличностные отношения
- 40 **АЪЗАМОВА М.А.** Психологические трудности младшего школьного возраста
- 42 **БАРАТОВА Д.Ш.** Социально-психологические механизмы организации психологической службы в махалле для различных групп населения
- 47 **БАРАБАНОВ Р.Е., АБИДОВА Г.К.** Логопедическая работа при моторной алалии
- 49 **BAQOYEVA M.Sh.** Chet tilini o'rganishda va o'rgatishda psixolingvistik nazariyalar va metodlarning o'rni
- 52 **БАХРИЕВА Н.А.** “Мен-образ” тушунчасининг илмий категория сифатидаги моҳияти ҳамда мактабгача ёшдаги болалар ривожланишидаги ўрни
- 56 **GADOYEVA M.M.** Masofaviy ta'limda ta'lim-tarbiyaga integrative va differensial yondashuvning ahamiyati
- 58 **ҒАЙБУЛЛАЕВ А.А.** Ўсминаларда мағкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари
- 61 **GAFOROV SH.U.** Shaxs psixologik salomatligi muammosini nazariy va ijtimoiy psixologik tahlilii
- 64 **ГАФУРОВ Н.Г.** Роль тренера в построении взаимоотношений тренер-спортсмен
- 67 **ДИЛОВА Н.Г.** Современные технологии в образовании как фактор повышения учебного процесса
- 70 **ДЖАББОРОВ Х.Х.** Социально-психологические механизмы национального воспитания
- 74 **ЖАББОРОВ А.М., ҚОДИРОВ О.С.** Ўсминаларда (11-15 ёш) жиноят мотивлари шаклланишини психодиагностикаси ва психокоррексияси
- 78 **ЖУМАЕВ Н.З.** Методологические основы дошкольной психологии
- 80 **ЖУМАЕВ У.С.** Культурные различия, стереотипы и коммуникационные потребности в межкультурной коммуникации в глобальной мультикультурной среде
- 83 **ЖҮРАЕВ Б.** Ўспиринлик даврида ҳуқуқий билимларни ривожланишида ҳуқуқий ахборотнинг аҳамияти.
- 86 **ЖҮРАЕВ Н.** Ёшларда тадбиркорлик фаолиятини оиласа шакллантириш ўзига хос психологик хусусиятлари
- 89 **ЗАРИПОВ Г.Т.** Психолого-педагогический потенциал взаимодействия личности с миром природы
- 93 **ИСАКОВА М.Т.** Гендерные различия ведущих психологических факторов между отношением к здоровью и индивидуально-динамическими характеристиками
- 97 **ИСМАТОВА Д.Т.** Типы семей по способу распределения ролей
- 100 **KORYUTKO M., MYKHALITSKA N., VERESKLIA M.**, Features of application of consulting services in the process of professional development of employees
- 102 **КАПУСТЮК Е. Н., ПАСТУШЕНКО В.С.** Работа с сообществами (с громадами): понимание необходимости профилирования школы для улучшения их жизни

“XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ” халқаро илмий-амалий анжуман

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ”  
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ  
МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ**

**СБОРНИК СТАТЕЙ  
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ  
"ПСИХОЛОГИЯ XXI ВЕКА"**

**DIGEST OF ARTICLES  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
CONFERENCE  
"PSYCHOLOGY OF THE XXI CENTURY"**

**9 сентябрь 2021 й.  
(онлайн конференция)**

**БУХОРО - 2021 йил**